



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 5 сентябрь № 36 (264)

Сотувда нархи эркин



09 хизматига тармоқнинг доимий абонентлари билан бирга шаҳарга келувчи меҳмонлар, сайёҳлар ҳам тез-тез муурожаат этадилар.

Бухоро шаҳар телефон тармоғи 09 хизмати телефончилари Басанда ҲАИМОВА ва Мастура ХОЛИЕВАлар хизматидан миқозлар мамнун.

Суратқас Т.ЛУТФУЛЛАЕВ

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан бир қатор хожирий давлат раҳбарларидан табрик шошилинчномалари келди.**

● Республикамиз Президенти 2 сентябрь куни

ёшга етган фуқарони уй ҳақини тўлашдан озод этиш ҳақида қарор чиқарди. Одессаликлар бу «жиддий тадбир»дан кулишни ҳам, куйишни ҳам билишмаяпти. Чунки хожирий шариоатда 100 ни қоралашнинг ўзи бўладими? Масалан, Россияда эркакларнинг ўртача умр кўриши 57 ёшга тушиб қолган.

● «The Worldin 1997»

● Венесуэлалик астролог Хосе Бернаржа Гомес шу йил июнь ойида Венесуэла президенти Рафаэл Калдеро ҳоқимиятдан кетади ва вафот этади, деб баъшорат қилган эди. Яқинда президентнинг рафиқаси Алиса Петри 81 ёшли эрининг «ҳўкиздай бақувват»лигини айтди. Фолбин Колумбия

## ОЛАМДА НИМА ГАП? - Янгиликлар - Вокзаллар - Хабарлар

Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши котибининг ўринбосари Борис Березовскийни қабул қилди.

● Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ташкил этилган ва қадимий Самарқандда бир ҳафта давом этган «Шарқ тараоналари» халқаро мусиқа фестивали ниҳоясига етди.

● Украинанинг Одесса шаҳри раҳбарияти қийин иқтисодий шариоатда фуқароларни моддий томондан қўллаб-қувватлашнинг фаройиб йўллари уйлаб топилди. Шаҳар кенгаши 100

алманахи Европа мамлакатларида аҳоли жон бошига нисбатан қамалганлар ҳисобини эълон қилди. Собиқ Иттифоқ республикалари орасидан Россия бу рўйхатда биринчи ўринни эгаллади. Энг кўп отишмалар Техасда (АҚШ) содир бўлар экан. Франция, Дания, Бельгия, Швеция каби мамлакатларда қамоққа олинганларнинг 40 фоизи гайри қонуний яшаётган муҳожирлар экан. АҚШда эса қамалганларнинг аксарияти (қарийб 80 фоизи) қоратанлилар ва Лотин америкаликлардир.

президенти Эрнесто Самперуни ҳам ҳоқимиятдан ажралиб қолишини айтган эди. Бироқ унинг бу фоли ҳам тўғри чиқмади. Президентларнинг қариндош-уруғлари, тарафдорлари фолбиннинг айтганлари амалга ошмаганидан хурсанд. Машхур астролог эса журналистлар кўзига кўринишдан чўчиб, яшириниб юрибди. Қилмишқидирмиш деганлари шу бўлса керак-да.

● **Якшанба куни Парижда рўй берган автотомобил ҳалокати оқибатида Уэлс маликаси Диана ҳалок бўлган.**

## ҲАММА НАРСАНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Тармоқда ислохотлар қандай бормоқда? Ишлаётган мутахассисларнинг билим ва малакаси шу кун талаби даражасидами? Мавжуд муаммоларни ечишда улардаги касб маҳорати етарлими? Наманган вилояти давлат почта алоқа корхонаси мутахассисларини аттестациядан ўтказиш жараёнида ана шу жиҳатлар асосий эътиборда бўлди.

Бугунги кунда соҳада ишлаётган мутахассис ходимларнинг бир қисми профессионал маҳоратга, иқтисодий ва ҳуқуқий билим даражасига эга эмаслиги аттестация давомида яққол кўзга ташланиб қолди. Ана шу хилдаги мутахассислардан 53 таси ўз вазифасида муайян муддатга шартли равишда қолдирилди. 9 киши бажараётган ишига нолайиқ деб топилди. Шунингдек, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда ҳам анча хатоликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Жумладан, Наманган, Мингбулоқ, Уйчи, Чортоқ, Янгиқўрғон, Поп поч-

та алоқа боғламалари тасарруфидаги алоқа бўлимларига мутахассислиги бутунлай бошқа ёки маълумотга эга бўлмаган кишилар ўтказиб қўйилган. Устига-устак, уларнинг билим савияси паст. Мазкур туман мутахассисларининг аттестация натижасига кўра қуйи ўринларни банд этганликларининг асил сабаби ана шунда.

Аттестация якунига бағишланган йиғилишда юқоридики зикр этилган ҳолатлар чуқур таҳлил қилинди. Замонавий кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор бериш, маълумотга эга бўлмаган мутахассисларни қисқа муддатли курсларда қайта ўқитиш каби долзарб масалалар ўртага ташланди. Тошкент Алоқа коллежида ташкил этилган курсларга ҳамда корхона ишчи-ҳодимлари учун ишлаб чиқилган ўқув дастурларига ўзгаришлар киритиш хусусида таклифлар бўлди.

**Аҳмаджон ТҲҲИЧИБОВ,**  
жамоатчи муҳбиримиз

Омонжон Нарзуллаев ёш-лигидан радиотехниклик касбига қизиқарди. Шунинг учун у Патта қишлоғидаги Ражаббой Хол-

ров номли жамоа ҳўжаликларининг ҳар бирига 500 рақамли АТС ҳамда туманда жами 13 мингта радионукта қурилишида

## ОРВУГА АИБ ЙҮҚ

муродов номли мактабнинг физика муаллими Рустам Абдуллаевдан радиотехниклик сирларини кунт билан ўрганди. У мактабда ташкил этилган «Ёш физиклар» тўғарагига қатнади. Омонжон тўғарақда овоз кучайтиргич, овозни ҳавога тарқатгич каби жиҳозларни ясаб, туман ҳамда вилоят олимпиадаларида бир неча бор мақтов ёрлиқлари билан тақдирланди. Мактабни битиргач, Тошкент Алоқа коллежига ўқишга кирди. Омонжон коллежда Абдували Содиков, Бахтиёр Ходиев каби тажрибали устозлардан сабоқ олди. У 1984 йили ўқишни муваффақиятли тамомлаб, Бухоро вилояти Шофиркон тумани электралоқа боғламасига радиотехник бўлиб ишга кирди. Ёш алоқачи туманнинг Й. Охунбобоев, Ҳайдаробод, Боғиэфзал, Саттор Жаббо-

фаол қатнашди. Айна пайтда Омонжон Нарзуллаев телефон алоқачи бўйича муҳандис вазифасида ишлаяпти. Яқинда унга биринчи тоифали телерадиомуҳандис мутахассислиги берилди.

Омонжон яқинда Тошкентда бўлиб қўлгина чет эл алоқа жиҳозларининг кўрғазмалари билан танишди. У ўзи ишлаётган туманда ҳам келажакда ана шундай алоқа ускуналарини ўрнатишни ният қилди.

Омонжоннинг ўғиллари Рус-тамбек ва Достонбеклар ота касбини давом эттириб, алоқачи бўлиш орузида ўрта мактабда аъло баҳоларда ўқишмоқда. Орзуга айб йўқ, «От ўрини той босар» дейдилар.

**Саъляк ЭГАМОВ,**  
Бухоро вилояти

**Кўшкўпир туман** электралоқа боғламасига қарашли телефон станцияларида телефон ва радио тармоқларининг бенуқсон ишлаши учун таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларда муҳандислар **О.Курбонбоев, З.Жумабоев** ва электромеханик **И.Дўст-тов, И.Мамашарипов**ларнинг хизматлари катта бўлаётир.

Кейинги пайтларда телефонларни ишлаши яхшиланганлиги туфайли абонентларнинг норозилиги сезиларли даражада камайди. Телефон нуқталари сони ўтган 6 ой якунига кўра 79 тага ошди. Ходимларнинг самарали меҳнатлари моддий ва маънавий рағбатлантириб борилляпти. Уларнинг ўртача ойлик

маоши 4426 сўмни ташкил қилади.

Ёрдамчи хўжалиқда етиштирилаётган гўшт, сут, мева ва сабзавот маҳсулотлари ходимларга арзон баҳоларда берилмоқда. Электромантурлар велосипед билан таъминланган. Ишчи-ходимлар самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит муҳайё.

Хозирги кунда хизмат кўрсатаётган алоқа ускуналаримиз эскирган. Шундай бўлса-да, туман электралоқа боғламаси ҳар ойда аҳолига 1 миллион 200 минг сўмдан ортиқ электралоқа хизмати кўрсатади. Бугунги кунда дебиторлик қарзлар 5 миллион сўмни ташкил қилади. Бу деган сўз — мижозларимиз 4-5 ойлаб кўрсатган хизматимиз учун ҳақни ўз вақтида тўламаяптилар.

## БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛСАК...

Телефондан фойдаланганлик ҳақини узоқ мuddат сабабсиз равишда ўз вақтида тўламаётган шахслардан телефон рақамини олиб, бошқа кишиларга ўтказиб беришга мажбур бўляпмиз.

— Агар мижозларимиз электралоқа хизмати (телефон, телеграф ва радио)дан фойдаланганлик ҳақларини мuddатида тўлаб боришса, барча муаммолар ўз вақтида ечимини топган бўлар эди, — дейди биз билан суҳбатда Кўшкўпир туман электралоқа боғламаси бош муҳандиси **К.Хайитбоев**.

Бизни ташвишга солаётган муаммолардан яна бири номаълум шахслар томонидан телефон симёғочлари, телефон канализацияси қудуқлари қопқоқларининг ўғирлаб кетилиши ҳамда алоқа кабелларини кесиб, алоқага зарар

етказилаётганлигидир. Наҳотки бундай шахслар телефон алоқаси узоғимизни яқин, мушкуллимизни осон қилаётганини унутган бўлсалар? Бу борада маҳалла фаоллари, жамоа хўжалиги раҳбарлари ва жамоатчилик ёрдамига муҳтожмиз. Агарда тўй-маракаларда маҳалла фаоллари, раҳбарлар аҳолига телефон ускуналари беминнат хизматкоримиз эканлигини, уни бузиш, синдириш, кесиб кўнгилсиз оқбатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтирсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Маълумки, бир вақтлар туман жамоа хўжалиқларининг барча хонадонларида радио нуқталари ишлар, у орқали ҳар хил янгиликлардан хабардор бўлиш мумкин эди. Бундан ташқари жамоа хўжалиқлари раҳбарлари ва фаол-

ларининг чиқишлари, шу жумладан, шифокорларнинг фойдали маслаҳатлари, участка нозирларининг қишлоқдаги тартиб-интизомнинг аҳволи тўғрисидаги эшиттиришларини аҳоли зўр эътибор ва қизиқиш билан тингларди.

Минг афсуски, кейинги вақтларда арзиманган эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги сабабли аксарият жамоа хўжалиқларидаги радио тармоқлари ишламаяпти, бу муаммони бартараф этиш эса жамоа хўжалиқлари раҳбарларининг ҳаёлига ҳам келмаяпти. Инсон манфаатлари йилида бир тану бир жон бўлиб халқимизга беминнат хизмат кўрсатиш олий бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

**Абдураим АБДУРАҲМОНОВ,**  
жамоатчи муҳбиримиз,  
Хоразм вилояти



Тошкент шаҳридаги 139-АТС муҳандиси **Рамила МИРАБЗАЙЕВА** станция жиҳозларини кўздан кечирмоқда.

Суратқаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

### СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

1. Алоқа хизмати Сизни қониқтирадимиз?
2. Алоқа соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ қандай таклиф-мулоҳазаларингиз бор?

**Васико ЧЕШИВИЛИ,**  
Грузия фуқароси,  
биринчи тоифадаги футбол мураббийси,  
юртимизда меҳмон:

1. Ўзбекистонга келганимга 45 кун бўлди. Ватанимиз ҳақида айтилган гаплар афсона эмас экан, бунга ўзим гувоҳ бўлдим. Ўзбекистон — беназир мамлакат. Аммо одам боласи барибир ўз Ватанини соғинади. Мен олис Грузияга кўнғироқ қилиб, ота-онам, ёрубиродарларим ҳолидан хабар олиб турибман. Албатта, алоқа хизматидан миннатдорман.

2. Вилоятларда хизмат кўрсатаётган алоқа корхоналари ҳам жаҳон андозалари талаблари асосида ривожланиб бора, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Нодир САЙДУЛЛАЕВ,**  
Тошкент Давлат Иқтисодийт университетининг талабаси:

1. Алоқа хизмати ҳаётимизда сув ва ҳаводек зарур, деса муболага бўлмайди. Бугун алоқачиларнинг хизматидан ҳаммамиз ҳам манфаатдоримиз. Лекин бу борада мени уйлантириб турган бир масала бор. Мен тил масаласини назарда тутяман. Тошкентдаги телефон тармоқларида ҳар хил миллат вакиллари меҳнат қилишади. Афсуски, уларнинг айримлари давлат тилини етарли даражада билмайди. Хўш, улар ўзбек тилини қачон ўрганадилар?..

2. Алоқа соҳасини танлаган бўлажак мутахассислар келажақда амалдор бўлиш мақсадида эмас, етук мутахассис бўлиш ордусида меҳнат қилсалар, мамлакатимизда алоқа соҳаси муттасил янгилади боради.

**Нурулла НАРЗУЛЛАЕВ**  
ёзиб олди

Касбнинг яхши-ёмони, катта-кичиги бўлмайди. Ҳар бир инсон ўзига ёққан, кўнглига завқ бағишлайдиган ишни танлай олса унинг меҳнат фаолияти қизиқarli, унумли бўлади. Касб инсоннинг бир умрлик ҳамроҳидир.

Ўрта мактабни битирган

ишга ҳафсала билан киришиб кетди. Унинг қалбида ўз касбига меҳр-муҳаббат, қизиқиш уйғона бошлади. У шундагина бу касбни танлаб одам қилмаганлигини англаб етди.

Яқинда Турғунбой билан иш устида суҳбатлашиб қолдик. Турғунбой Хўжаев

## САРАЛОВЧИ

Турғунбой Хўжаев 1979 йили Учкўприк тумани алоқа боғламасига сараловчи бўлиб ишга келди. Иш бошлаган дастлабки пайтларда сараловчилик касбига кўника олмади.

Бошлиқ ҳузурига кириб ишга кўникиб кетолмаётгани тўғрисида айтиб, ишдан бўшаш ҳақидаги аризасига қўл қўйиб беришни илтимос қилди. Бошлиқ унга ҳар бир одам ишга дарров кўника олмаслигини, ҳар бир касбнинг машаққатларини енгиб ўта олиш лозимлигини, у ҳам келажақда ўз касбини севиб қолишини айтиб, жавоб бермади.

Бошлиқнинг сўзлари далда бўлдими Турғунбой

бундай дейди:

— Ёшлик эканда, ишга келганда газета-журнал саралаш менга зерикарли кўринар эди. Эндиликда касбим ҳатто тушларимга кўника чиқади...

Учкўприк почта алоқа боғламасига 4500 дона газета, 1580 та журнал, 600 донага яқин хат-хабар келади. Турғунбой Хўжаев уларни саралаб, қишлоқ алоқа бўлимларига етказиб бераётир.

Биз Турғунбой яна узоқ йиллар одамлар хизматида бўлишини истаб, унга қуч-ғайрат тилаб қоламиз.

**Қаюмжон ТУРСУНОВ,**  
**Мунира ЖАББОРОВА,**  
Фаргона вилояти

### ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Тошкент шаҳридаги Ҳамза телефон тармоғининг бош муҳандиси **Собитхон Кўчқорович ИСМОЙЛОВ** «Меҳнат шухрати» ордени, Қарши шаҳар ва шаҳарлараро бirlашган телефон тармоғининг телефончиси **Наталья Ивановна АНТИПОВА** «Дўстлик» ордени, Косонсой тумани электралоқа боғламаси муҳандиси **Акрамхон Аъзамович АЪЗАМОВ**, Ромитан тумани электралоқа боғламаси электромонтёри **Нурфилла Нуриллаевич РЎЗНЕВ**лар «Шухрат» медали билан мукофотландилар. Барча мукофотланганларни чин дилдан қўтлаб, ишларида омад, сўхат-саломатлик тилаймиз.

### ҚУТЛОВ!

Ҳурматли **Искак ТОЖИМБЕТОВ!**

Сизни муборак 60 ёшингиз билан самимий қўтлаймиз. Сизга тан-сихатлик, узоқ умр, келгуси ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Жиззах вилояти почта алоқа боғламаси алоқачилари


## ТАБИАТДАН АНДОЗА ОЛИБ

Эйфель деган француз муҳандиси томонидан барпо этилган ва утган XIX аср техникаси ютуқларининг тинсоли булган уч юз метрлик машҳур минорани ким билмайди дейсиз? Французлар Париж шаҳридаги бу улкан иншоот билан бекорга фахрланишмайди.

Бироқ унинг ижодкори ўзи таклиф этган лойиҳа ҳеч бир янгилик эмаслигига шак-шубҳа қилмаган бўлса эҳтимол. Эндиликда физиологлар фикрини эшитсангиз, миноранинг сирини булади-қолади: материалларнинг қаршилиги тўғрисидаги қонунларга қатъий амал қилиниб барпо этилган Эйфель минораси одам болдир суяги нусхасининг ўзидир.

**А.АЛИЕВ** тайёрлади

# АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ



## МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

**Замон сенга боқмаса сен замонга боқ.** Эндиликда шу зайлда иш юритиш орқалигина устивор мақсадларга эришиш мумкин. Акс ҳолда бошлаб қўйилган ишлар аро йўлда қолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Буни Наманган электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг аҳил жамоиси аллақачон англаб етган. Шу боис бу ерда бозор иқтисодиётига хос қатор ибратли ишларга қўл урилмоқда. Ана шулар ҳақида батафсил гапириб беришни корхона муҳандиси Олимжон РАҲМАТОВдан илтимос қилдик.

— Жорий йилнинг ўтган давридаги натижаларга асосланиб айтмоқчиманки, жойларда аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш даражаси ҳали шу куннинг талаби даражасида эмас! Бундай ҳол бизни янада изланишга, тадбиркорлик билан иш юритишга ундаяпти.

Аҳоли талаби ва таклифни мунтазам ўрганиб бориш натижасида ишимизнинг олдинга босишига омил бўладиган жиҳатларни излаб топилди, юқори сифатли хизматни йўлга қўйиш устида бош қотирилмоқда. Демак, талаб ва таклиф келгуси фаолиятимизга йўналиш беради. Шу асосда дастур тузилган бўлиб, уни бажариш назорат

қилиб турилди.

Дастурда аҳолига алоқа хизмати кўрсатишни юқори поғонага кўтариш бош масала қилиб қўйилганлиги меҳнат жамоалари масъулиятини янада оширади, деб, ўйлайман. Энг муҳими, меҳнат жамоалари ўртасида илғор тажрибаларни оммалаштириб бориш, янгиликларни тезроқ ҳаётга тадбиқ этишга эътибор бераётганлигимиз қўлга киритаётган ютуқларимиз омили бўлмоқда. Урганса арзийдиган тажрибаларни кенг ёйиш ҳам назаримиздан четда қолмаяпти. Жумладан, сервис хизматини йўлга қўйиш бўйича вилоят радиоси ва телевидениеси орқали бир неча бор рекламалар берилди. Шу мақсадларга 300 минг сўм маблағ сарфланганлигини, унинг натижаси ўз самарасини бера бошлаганини айтиб ўтмоқчиман. Қўшимча алоқа сервис хизмати кўрсатиш бўйича берилган реклама, дебитор қарзлари тўловларига оид видеолархалар намоийши ишимизнинг илгариларига туртки берди. Наманган шаҳри аҳолиси билан икки соатлик бевосита мулоқот чоғида 20 дан ортиқ таклифлар тушди. Шу асосда тадбирлар белгиладик.

Бундан ташқари июнь ойида дебиторлик қарзларини қа-

майтириш мақсадида ўтказилган лотерея ўйини ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлди. Мазкур тадбир аввал Наманган шаҳри, кейинчалик туманларда ҳам ўтказилди. Қўлаб абонентларнинг ўйинга қатнашиш истагида ўз қарзларини белгиланган муддатда тўлаб қўйганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шунингдек, телефончи, кабелчи, қалайловчилар, компьютер операторлари ҳамда радиомантурлар ўртасида касб малакаси ва маҳоратини аниқлаш бўйича ўтказилган танловлар ҳам тортишувларга бой, эсда қоларли бўлди. Унда Наманган шаҳри, Учқўрғон, Чортоқ, Тўрақўрғондан келган ёш мутахассислар фаол қатнашдилар. Бироқ, Поп, Чуст, Наманган, Янгиқўрғон, Косонсой туманларидан танловда қатнашган мутахассисларнинг билим ва малакалари етарли эмаслиги аққол кўзга ташланиб қолди. Хуллас, маркетинг йўналиши бўйича ишлаш муваффақиятларимиз қалиби бўлаётди.

**А. ТҲИЧИБОВЕВ** ёзиб олди, Наманган вилояти



**Файрат Алимов 1991 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини тугатгач, Бухоро телефон тармоғида муҳандис бўлиб иш бошлади. Ҳозир у тармоқнинг энг масъулиятли жойларидан бири — Бухоронинг Эски шаҳар қисмига хизмат кўрсатувчи 24-АТСда участка бошлиғи вазифасида меҳнат қилмоқда.**

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

Уммон ёки денгизларга сирли-маҳфий мактублар солиб ташланган бутилкалар ҳақида кўплаб қизиқарли афсоналар тўқилган. Булар ҳазиналар, кемалар ҳалокати тарихи ва сир-асрорлари билан боғлиқ тафсилотлардир. Ушбу гап-роғийб воқеаларнинг ҳаммаси асосан денгиз ва уммонларда содир бўлади.

Ичига мактуб солинган бутилка босис Англия қироличаси Елизавета саройида «бутилка очув-

билан зийнатлашга тайёрдирлар.

Агар илгари қиролича ҳузурда бутилкаларни «очувчилар» бўлган бўлса, энди «ёнувчилар» ҳам пайдо бўлиб қолди. Бундай «усталар» эскича бутилкаларни махсус тайёрлашди. Бутилкалар туз чўкмаси билан қопланади, гўё улар сувда юз йиллар давомида сузгандай... Ҳатто ўша замонага мос қоғоз ҳам қайта тикланади. Одатда бу эски газета парчаси бўлади. Зўрға илғаб олинандиган сатрлар, шувалиб кетган

ракли эди. Айни чоғда Ж.Ливернинг маркани билиши ҳам ҳақиқатга тўғри келмасди. Чунки марка ўша воқеадан уч йил ўтгач, 1849 йили пайдо бўлганди...

Бундай тарихлар жуда кўп, улардан айримлари хали-ҳамон «сузиб юрибди». Лондондаги аукционда гўё «Лузитаний» ва «Титаник»дан олинган мактублар ишқибозларга мўмайгина пулланганди. Айни чоғда «Нептун почтаси» тарихида ёрқин саҳифалар ҳам бор.

## «НЕПТУН ПОЧТАСИ»

ёхуд уммондан топилган бутилка

чи» деган расмий лавозим жорий этилган. Шундай мактубларни топган одамлар рағбатлантирилган, яширганлари эса ўлимга ҳукм қилинган. Шу тўғрисида «Нептун почтаси» Англияда бекаму кўст ишлаган. Афсуски, Нептун ҳаммаша ҳам одамларга муруватли, ишончли эмас эди. Гоҳо мактублар керакли манзилга етгунча орадан кўп йиллар ўтиб кетарди.

Ҳозир Англия ва Америкада «Нептун почтаси» ишқибозларининг клуби бор. Бу ердаги залларни турли бутилкалар — ишқибозлар йиллар давомида хира тортиб кетган «конвертлар» беэаб турибди. Бундай бутилкаларни ҳамма ҳам сотиб ололмайди, фақат сармоядорларгина бунга қодирдир. Ана ушаларгина ўз хоналарини бундай қадимий топилма

сиёх ва ҳақосо... Одатда бундай сохта тузоққа содда одамлар илинади. Масалан, «Атлас» кемаси ҳақидаги мактубни эслайлик. Бу ҳақда «Титаник» ҳақидагидан ҳам кўпроқ ёзилганди. Ўша мактуб матни шундай эди: «Мачталар синиб кетди, мурватлар йўқолди. Биз тўлқин иштиёрида қолдик. Бу бутилка менга хат-жид ўрнидадир, узукнинг изи марқадир...» Мактуб давомида ҳалокат тарихи ва «Ж.Ливерье» деган имзо турарди. Кўп нарсадан хабарсиз одам учун бу топилма эди. Аммо бу ерда сохталик аққол кўриниб турарди. 1846 йил дарҳақиқат кема ҳалокатга учраган йил эди. Бу далилга қўшилмай бўлмайди, аммо мактуб матнида кўпол ноаниқликлар учрайди. Биринчидан, «Атлас» кемасида мурватларнинг йўқолиши мумкин эмасди, чунки у елканли-гилди-

Норвегиялик Грета Ларсекиннг гап-роғийб тақдирини бундан тасдиқлайди. Грета ота-онасидан яширинча денгизга шундай мактуб ташлайди: «Бу хатни ким биринчи бўлиб топса, ўша одамга турмушга чиқаман». Орадан тўрт ой ўтгач, Гретанинг оstonасида 23 нафар денгизчи пайдо бўлди. Бахт, албатта бутилкани биринчи бўлиб илган капитанга қолди этади. Энг таажубланарлиси — денгизчилар сузган кема ҳам «Грета» деб аталарди. Ажабо: денгиз уларни қовуштиради!

Уммонлар, денгизлар, дарёлар бор экан, кимларнингдир сир-асрори ҳам бўлаверади. Балки бу борада сиз билан бизнинг ҳам омадимиз келиб қолар. Яхши ният қилаверайлик-чи...

**Ш. ОТАБОВЕВ** тайёрлади

## «АҚЛ»ЛИ МАШИНА ҚЎЛ КЕЛДИ

Телетайп орқали олинандиган хабар газета саҳифасига чиққунга қадар узоқ йўлни босиб ўтади. Хабар олдин машинкада кўчирилади, таҳрир қилинади, яна қайта кўчирилади, босмахонада терилади ва имло хатолари тузатилади. Ана шулардан кейингина хабар ротация машинасига тушади.

Бу жараёни бирмунча содда-лаштириб, тезлаштириб бўлмасмикан? Америкадаги «Харрис интёртайп» фирмаси саъй-ҳаракати билан бундан йигирма йил бурун ЭХМ (электрон ҳисоблаш машинаси)дан фойдаланиш таклиф қилинган эди. Ушунда фирма ҳодимлари бу усулни амалда исботлаб беришганди.

Мухбирлардан олинган хабарлар ЭХМ «хотира»сига ёзилиб

борди. Кейин тайёр матн телевизор экранига ўхшаш компьютер қурилмаси экранида пайдо бўлди. Экран остида худди ёзув машинкасидагидек бир қанча клавишлар бор эди.

Мухаррир уларни босиб билан матндаги ортиқча сўзларни олиб ташлаб, бошқаларини киритган эди. Шу тариқа сўз, жумла ва хат-бошлар керағига ўзгартирилди. Буларнинг бари экранда аққол кўриниб турди.

Ниҳоят, таҳрир тугагач, битта тугмачани босиб билан матн автоматик терув машинасига туширилди. Натижада, юқоридаги жараён ўн марта тезлашди.

Ҳозир республикамиздаги газета ва журналлар ана шу техник усулда чоп этилмоқда.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Рангли телевидение тизимининг биринчи лойиҳаси 1925 йилнинг февралда муҳандис И. Адамиан томонидан таклиф қилинди. Адамиан усули бўйича рангли телевидение тасвирлар 1928 йили Англияда илк бор намоийш этилди.

Аммо у вақтларда етарли тажриба бўлмаганлиги учун уни ривожлантиришнинг имкони бўлмади. Кейинчалик, оқ-қора телевидение соҳасида катта тажриба тўпланганидан сўнг рангли телевидение кўрсатувларини олиб бориш имкони туғилди.

**А. АЛИЕВ** тайёрлади

Радиотехника ва электралоқа ривожига улкан ҳисса қўшган иқтидорли олим Генрих Рудольф Герц 1857 йилнинг 22 февралда Гамбург шаҳрида туғилди. Генрихнинг отаси адвокат, кейинчалик сенатор бўлган. Онаси ҳам зиёли аёл эди. Герц тенгқурлари орасида қобилияти ва жуда кўп соҳаларга қизиқиши билан ажралиб турарди. Мактаб ўқитувчиларининг гувоҳлик беришича, у ўқишда биринчи даражали юлдуздек порлаб турар, дарсларни тез ва чуқур ўзлаштириш борасида ҳеч ким унинг олдига тушолмас экан. У математика, физика каби аниқ фанларни ҳам, ижтимоий фанларни ҳам бирдек муваффақият билан ўзлаштирар эди. Инглиз, француз, италия тилларида бемалол гаплашар грек, араб тилларини яхши тушунарди.

Герц олий илмий маълумоти Берлин университетидан, машҳур физик Герман Гельмголт раҳбарлигида олди. Ҳақиқатинан биринчи йиллариданоқ физика машғулотида унинг синовчилик истеъдоди яққол намоён бўла бошлади. 1879 йилнинг октябрида факультет тақлиф этган, 9 ойга мўлжалланган масалани ечишга киришди ва уни уч ойда — 1879 йилнинг январь ойида тугаллаб, университет муқофотини олди. Бу иш «Харақатдаги зарядларнинг кинетик энергияси» номи билан 1880 йили босилиб чиқди. Иккинчи — «Айланувчи шар индукцияси» деб номланган илмий тадқиқот ишини 1879 йили икки ойда бажарди ва

университетнинг 4-семестридаёқ илмий даража олиш учун тақдим этди. Кўп ўтмай 1880 йилнинг 5 февралда электротехниканинг билимдонлари — Герман Гельмголт ва Густав Кирхгофлар раҳбарлигидаги илмий кенгаш 23 ёшли Герцга фан доктори унвонини берди.

Герц университетни тугатгач, 1880-1883 йиллари физика таърихонасининг ассистенти сифатида ишлаб бошлади. 1883 йили Кильга кўчиб келгач, ав-

учун у электромагнит тўқинларини тарқатувчи, кейинчалик «Герц вибратори» деб номланган мосламани ихтиро этди.

Герц вибратори ва резанатори ўзининг соддалиги ва юқори самардорлиги билан кишини ҳайратга солади. Резанаторнинг ҳажми ва ҳолатини ўзгартириб, уни вибраторнинг тебраниш частотасига мослаштира олди. Герц 1886 йилнинг октябрида таърихонасини бошлаб, ноябрдаёқ кундалик дафтаридан «Менга ток

келтирди. Кейинчалик бу ҳулосалар радио тўқинларининг тарқалиш назарияси ва антенналарнинг ҳисоблаш услубларининг асосини ташкил этди. Ҳақиқатинан Герцнинг «Ҳаводаги электродинамика тўқинлари ва уларнинг акс этиши ҳақида» асари чоп этилди.

Бутун дунё физиклари Герц таърихонасини синаб кўра бошладилар ва ҳамма ерда «Герц тўқинлари» ҳақида гапира бошладилар. Герцнинг 1888 йил-

или Петербург университетининг профессори Орест Хвольсон «Герц таърихонасини асрлар оша умрбоқийдир. Улар нафақат физика билан шуғулланувчи олимлар эътиборини, балки, бутун дунё илм аҳлининг эътиборини ўзига тортиди» деган бўлса, таникли инглиз физиги Ж. Ж. Томсон Герц ишлари аҳамиятини таърифлаб, «Фарадей электромагнит индукциясини кашф этгани каби, Герц ихтиролари умумий тараққиётга жуда катта таъсир кўрсатди» деб ёзган эди.

Электромагнит тўқинларининг тадқиқоти, Максвелл назариясининг бутун дунёда тан олинishi, физикадаги дунёқарашларда инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлиши билан бирга Герцни бутун дунё илм аҳли орасида машҳур қилди. Фотоэффект борасидаги тадқиқотлари эса Квант назариясининг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Истеъдодли олим 1888-1891 йиллари Англия, Италия, Австрия, Франция каби давлатларнинг академиялари ва илмий муассасаларнинг катор медаллари билан мукофотланди. Европанинг етти та академияси Герцни муҳаббат аъзолигига сайлади. Прусс ҳукумати Тож ордени билан мукофотлади. Частота бирлиги (бир секундда битта тебраниш) унинг номи билан Герц (Гц) деб номланди. Афсуски, Герц ижоди энди гуллаган вақтида 37 ёшда вафот этди.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ  
тайёрлади

### • Алоқа соҳасининг даҳолари

## ГЕНРИХ ГЕРЦ

вал доцент, кейин Киль университети назарий физика кафедраси мудири, 1885 йилнинг бошларидан эса 28 ёшли Герц Карпурдаги олий техника мактабининг профессори этиб тайинланди.

Буёқ инглиз физиги Жеймс Максвеллнинг электромагнит назарияси илм оламида 25 йилгача тан олинмади. Бу назария таърихона асосида тасдиқлаш учун Герцга 25 ой кифоя қилди. Бунинг учун аралаш тоқлар магнит майдонини аниқлаш ва электромагнит тўқинларини олиш керак эди. Герц Максвелл назариясини исботлаш учун энг аввало таърихона шароитида кузатиш мумкин бўлган, электромагнит тебранишлари натижасида ҳосил бўладиган электромагнит тўқинларини олиш кераклигини англади. Герц тебраниш частотасини юзлаб марта оширишга эришди. Бунинг

ўтказувчи иккита занжирнинг ўзаро индукцион таъсирини аниқлаш бахти қулиб боқди» деб ёзган эди. Декабрда келиб эса кундалиқда «Икки занжирдаги электр тебранишлари орасидаги резонансини аниқлашга эришдим» деган ёзув пайдо бўлди.

Герц эришган ютуқлари билан чегараланиб қолмас, аксинча, янгидан-янги таърихона ўтказар, изланишлар натижасидан кўнгли таскин толмагунча тинмай ишайверларди. Герц Максвелл тенгламасига асосланиб янги қўшимча функцияни («Герц функцияси») жорий этди. 1888-йили Герц ўзининг «Максвелл назарияси» нуктаи назаридан электр тебранишларини кучи» деб номланган ишда оддий вибратордан тарқалётган электромагнит тўқинларининг тарқалишини ҳисоблашнинг аjoyиб усулларини

нинг 13 декабрида Берлин фанлар академиясида электр қуввати нурулари ҳақидаги туркум ишларининг якуний қисмига бағишланган маърузаси ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. У қатор университетлардан кафедралари бошқаришга тақлифномалар олди ва Бонн университетининг физика кафедрасини танлади. Уни машҳур олимлар ва илмий муассасалар таъриқлашди. Кейинроқ электромагнит тўқинлари борасидаги барча ишларини жамлаб, «Электр қувватининг тарқалиши ҳақидаги тадқиқотлар» китобини чоп эттирди. Герцнинг ихтироси симсиз алоқа воситаларининг яратилишига асос солди. Таникли инглиз физиги Уильям Крукс Герц таърихоналари ҳақида 1892 йили «Бу ерда телеграфнинг симсиз, симёғочларсиз, кабеллар ва бошқа қимматбаҳо ускуналарсиз ишланиши таъминлаш борасида аjoyиб имкониятлар очилмоқда» деб ёзган эди. 1890

## XXI АСР ПЕЙЖИНГЛАРИ

Пейжинг алоқасидан фойдаланувчилар ҳам, узатилаётган ахборотлар ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай қулай алоқа жиҳозига бўлган талабни қондириш мақсадида 90-йилларнинг бошларидаёқ «Моторола» фирмаси FLEX протоколлари яратди ва унинг жиҳозлари кўпгина етакчи корхоналарда ишлаб чиқарила бошланди. Операторларга, кўп сонли абонентларга тез ва сифатли хизмат кўрсата олиш имконияти яратилгани учун ҳам протокол Осие, Шимолий ва Жанубий Америка ҳудудларидаги давлатларда кенг тарқалди. Протоколнинг таркиби ҳақида қисқача шундай дейиш мумкин. Абонентнинг ахбороти кодлаштирилгандан сўнг, унинг таркиби ташкил этилади. Барча маълумотлар маълум узунликдаги (баъзида уларни дарча ёки кадр деб ҳам аталади) пакет тарикасида узатилади. FLEX тизимида 128 та дарча мавжуд. 128 дарчани узатиш учун ахборотни узатиш тезлигини қатъий назар 4 минут вақт талаб этилади. 128 та дарчанинг узатилиши FLEX туркум деб номланади. Шундай қилиб, бир соатда 15 та туркумни узатиш мумкин.

### FLEX ПРОТОКОЛНИНГ АСОСИЙ СИФАТЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Протоколни ишлаб чиқарувчилар каналлар сифимини энг юқори даражага кўтариш, маълумотларни узатиш тезлигини ошириш, электр озуқа манбаларининг хизмат мuddатларини узайтириш ва маълумотларни хатolikлардан муҳофаза этиш усулларини такомиллаштириш каби асосий масалаларни ҳал этишга эришилди.

### УЗАТИШ ТЕЗЛИГИ ВА СИФИМИ

FLEX орқали ахборотларни уч хил тезликда узатиш мумкин. Бу ўз навбатида пейжинг алоқаси операторларига ўз тизимларини бозор талабларига осонликча мослаштириш имконини яратди. Тез ўтказиш протоколи — каналнинг ўтказиш қобилияти юқори бўлишини таъминлаб, ахборотларнинг ушланиб қолиш эҳтимолини камайтиради.

Протокол 1600 бит/с, 3200 бит/с ва 6400 бит/с тезликларда ишлайди. 6400 бит/с тезликда ишлаганида 512 бит/с тезликда ишловчи ўзидан аввалги POCSAG тизимига қараганда каналнинг ўтказиш қобилияти 10 баробарга ортади. FLEX тизимида битта каналга 600000 рақамли пейжери бор абонент турки келади. Бу кўрсаткич POCSAG тизимидагига нисбатан анча юқоридир. Агар POCSAG тизимида манзиллар сони икки миллион билан чегараланган бўлса, бу рақам FLEX тизимида бир миллиондан ортикрокин ташкил этади. Бундан ташқари, FLEX тизими турли тезликларда ишлаб олиши боис ҳар хил тезликда узатиладиган ахборотларни қабул қилиш учун махсус қабул қилувчи мосламаларга ҳожат қолмайди.

### ЭЛЕКТР ОЗУКА МАНБАЛАРИНИНГ ИШЛАШ МУДДАТЛАРИ

Маълумки, тузилишига кўра POCSAG асинхрон протоколдир, яъни бу тизимда пейжер ахборотни қабул қилиш учун мунозаам равишда кутиш (ёки қидириш) режимида бўлиши керак. Табиийки, бу нарса электр қуввати сарфини оширади. FLEX эса, аксинча, синхрон тизимда ишлайди. Маълум абонентга мўлжалланган ахборот тасдиқланган берилмай, балки маълум вақтда ёки вақт оралиғида берилмайди. Бу эса қабул қилувчига

айнан ўша вақтда ёки вақт оралиғида аппаратни улаш кифоя деган гап. Ахборот узатишининг бу усули электр қувватини тежаб, электр манбаларининг ишлаш мuddатларини узайтиради ва ўз навбатида электр озуқа манбалари ҳажмини қисқартириб, пейжерларнинг ихчам ва бежирим бўлишини таъминлайди.

### АХБОРОТНИНГ ИШОНЧИЛИГИ

Маъзур тизимда шаҳар шароитида сигналнинг пасайиб кетишидан сақлаш учун қўшимча химёо воситалари қўзда тутилган. Шу боис, FLEX тизими 1200 бит/с тезликда ишловчи POCSAGга нисбатан 12 баробар, 2400 бит/с тезликдаги POCSAGга нисбатан эса 24 марта самаралироқдир.

Энди назарий мулоҳазалардан XXI аср пейжинг тизимининг амалда қўлланишига ўтсак, ҳозирги вақтда қайси қурилмалар кўчма радиоалоқа бозорида ўз ўрнини толдирди, қайси бирлари синовада эканини эслатиб ўтиш жоиз.

Ҳозирнинг ўзидаёқ FLEX тизимида ишловчи рақамли PROENCORE пейжери кенг қўламда қўлланилмоқда. Маъзур протоколдаги харфли-рақамли пейжерлар ҳақида турли фирмалар мавжуд. Албатта, FLEX протоколда ишловчи махсусотларга муайян қизиқиш билан қаралмоқда. Шунинг учун ҳам икки ёқлама алоқани таъминловчи пейжерлар орасида энг кўп тарқалган FLEX оиласига мансуб бўлган ReFLEX деб номланувчи протоколдир. Айни вазиёларни баҳара оладиган «Моторола» фирмаси ишлаб чиқарган Tango пейжери ҳам мавжуд. Маъзур товушли ахборотларни тез улата оладиган Tn FLEXION протоколи устида ҳам ишланмоқда. Бундай пейжернинг Tehog деб аталувчи дастлабки намунаси пайдо бўлди.

Тўқин МИРБОБО ўғли  
тайёрлади

### • Алоқа матбуот кўзгусида

## «Янги руслар» учун махфий эфир

Олимлар радиотелефонлардаги микротўқинлар саломатлик учун зарарлими ёки зарарсизми дея бахslashлиб туришганда айрим ишқибозлар бундай замонавий алоқа воситаларининг чунтаққа қанчалик эътибор келтиришига иқдор бўлдилар. Махсус хизмат маҳкамалари Россия ҳукумат алоқаси, ФХХ, мудофая вазирлиги ва ҳаво хизматининг электрон воситаларига учун ажратилган тўқинларидан ишлаётган иккита «жо-су»ни аниқладилар. Яқиндан танишилганда маълум бўлдики, ута махфий эфирга душманлар эмас, четдан «SEN-FO-868» русумидаги телефонларни олиб келган «янги руслар» ҳалақат бераётган экан. Бу аппарат (унинг нархи 20


миллион долларгача боради) сертификация қилинмаган; бундай техника мўъжизасининг соҳиблари эса Давлат назоратидан алоқа учун рўхсат олишни ҳаёлларига ҳам келтиришмаган. Шунинг учун ҳам жазо қилишга яраша бўлди. Уларнинг сертификация қилинмаган алоқа воситаси му-содалар қилинди қонунбузарларга жарима солинди. Радио-телефонлардан ман қилинган радиочастоталарда шу тарада фойдаланиш қасддан амалга оширилгани исботланмаса, 15 дан 70 гача энг кичик маош микдорига жарима белгиланган. Акс ҳолда бундай хатти-ҳаракатлар жиддий жиноят ҳисобланади.

## БИЛАСИЗМИ?

- Морзе телеграф аппарати бундан 153 йил муқаддам, яъни 1884 йили биринчи марта Вашингтон — Балтимор (АҚШ) телеграф линиясида қўлланилган.
- Дунёдаги энг узун (1200 км) оптик телеграф линияси 1839 йили Петербург ва Вашингтон шаҳарлари уртасида очилган. 1854 йилга келиб бу линиядаги семафор телеграф (семафорный телеграф) электр телеграфга алмаштирилган.
- 1866 йили телеграф алоқаси тарихида муҳим воқеа бўлди. Шу йили Европа ва Америка қитъалари уртасида трансатлантик кабел алоқаси урнатилган. Маъзур алоқани таъминловчи кабелнинг узунлиги қарийб 8 миң километр эди.
- 1954 йили шахмат бўйича Канада чемпиони Ф. Андерсон ва собиқ совет гросмейстери И. Бондаревскийлар уртасида гаройиб шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Бу мусобақанинг гаройиблиги шунда эдики, Бондаревский Москвада, Андерсон эса Оттаво кули бўйида жойлашган Оттава шаҳрида туриб уйини ўтатишган, яъни юришлар телеграф орқали амалга оширилган эди.
- Рус армияси дунёда биринчи бўлиб электр телеграфдан фойдаланган. Бу харбий телеграф 1855 йили Крым урушида ва 1877-78 йиллардаги Россия — Туркия урушида қўлланди.
- Собиқ совет армияси қўшинларида биринчи марта 1919 йили алоқачи қисмлари ташкил қилинган.
- Дунёдаги энг узун ҳаво линияси 1939 йили Москва — Хабаровск уртасида урнатилган бўлиб, унинг узунлиги 9000 километр. Кейинчалик ҳаво линияси Владивостоккача етказилган бўлиб, унинг узунлиги 10.000 километрни ташкил этди.

Файрат ЮСУПОВ тайёрлади

# СПУТНИК СВЯЗИ



## СОЗДАНЫ АКЦИОНЕРНЫЕ КОМПАНИИ ПРЕДПРИЯТИЙ СВЯЗИ

Как известно, Указом Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова от 23.07.97 г. «О мерах по реорганизации и совершенствованию управления сферой информационных систем» упразднено Министерство связи Республики Узбекистан и на его базе образовано Узбекское агентство почты и телекоммуникаций.

Этим же Указом принято предложение о создании акционерных компаний «Махаллий-Телеком», «Халкаро-Телеком» и Государственно-акционерной компании «Узбекистон почтаси».

В соответствии с Указом было принято Постановление Кабинета Министров от 31 июля 1997 г. «Об организации деятельности Узбекского агентства почты и телекоммуникаций».

Во исполнение этих документов Госкомимуществу и Агентству почты и телекоммуникаций учреждены названные акционерные компании.

В актовом зале Ташкентской телебашни были проведены учредительные конференции, на которых полномочные делегаты от предприятий связи рассмотрели весь установленный законом комплекс вопросов и приняли соответствующие решения, утвердили основные нормативные документы компаний.

«Махаллий-Телеком» в акционерную компанию вошли 26 предприятий с количеством работающих более 25 тысяч человек. В числе вошедших в компанию предприятий 12 государственных, 5 совместных предприятий, 7 акционерных обществ, одно арендное и исполнительный аппарат ГОЭС «Узбекмахаллий-Телеком». Основную деятельность представляют 15 предприятий, в числе которых все областные ППП, строительный комплекс — 3, снабженческие организации — 3, промышленных — 3. Среди делегатов было 67 от предприятий и 8 от ассоциированных членов компании, в числе которых пять СП и три других предприятия. Принятым на конференции Уставом в соответствии с решением правительства определены основные задачи компании: удовлетворение и развитие спроса на услуги местной, внутризональной и международной электросвязи, расширение их номенклатуры и обеспечение их высокой конкурентоспособности, модернизация и техническое перевооружение средств и сетей, в том числе путем привлечения иностранных инвестиций, создание совместных предприятий, внедрение мировых достижений техники и функционирования систем телекоммуникаций; дальнейшее развитие рыночных отношений, обеспечение интеграции в мировую сеть телекоммуникаций.

Вошедшие в компанию государственные предприятия будут реорганизованы и преобразованы в акционерные общества открытого типа, государственная доля акций в них в размере 30% передается в уставной фонд АК «Махаллий-Телеком». Акционерные общества сохраняют свою самостоятельность, госдоля их акций передается компании. Совместные предприятия становятся ассоциированными участниками компаний.

На конференции избраны руководящие органы компании. В Наблюдательный совет вошли 9 человек, председателем его избран Ш. Ш. Абидолджав, заместитель генерального директора Агентства почты и телекоммуникаций, генеральный директор компании избран Т. Г. Рахимов, возглавлявший до этого ГОЭС «Уз-

бекмахаллий-Телеком».

«Халкаро-Телеком» в акционерную компанию вошли 14 предприятий, на которых работает более 5 тысяч человек. Среди вошедших в компанию 8 государственных предприятий и 6 совместных. Основную деятельность представляют все 14 предприятий. В составе учредителей — государственные предприятия: Ташкентская телеграфно-телевизионная станция, территориальное производственное объединение межгосударственных связей и телевидения, центр международной электросвязи, УЗПАК. Участниками от госпредприятий являются так же ОРР и Т. ЦУММС, ЦМРД. Ассоциированный участник от госпредприятий — ЦЭМС. В компанию вошли на правах ассоциированных членов такие СП, как «Уздунробита», «Камалак-ТВ», «Рубикон», «Узавязь-путник», «Узмаком», «Бузон». Всего на конференции участвовало 43 делегата.

На конференции принят Устав компании и другие учредительные документы. Основными задачами определены: удовлетворение потребностей в услугах международной, международной электросвязи, расширение номенклатуры, повышение качества и конкурентоспособности, реализация технической политики по строительству, модернизации и эксплуатации международных телефонно-телеграфных сетей, передачи данных, радиосвязи, радиовещания, телевидения и мобильных систем; углубление рыночных реформ, привлечение иностранных инвестиций, обеспечение интеграции в мировые телекоммуникационные и информационные системы.

Вошедшие в акционерную компанию госпредприятия, АО, СП сохраняют самостоятельность, являются юридическими лицами.

В Устав компании отдельными статьями включены положения о взаимодействии с АК «Махаллий-Телеком», ГАК «Узбекистон почтаси» с фондом господдержки. Уставом определен порядок выпуска и размещения акций.

В состав избранного на конференции Наблюдательного совета вошли 9 человек, председателем избран В. Л. Штейнберг, первый заместитель генерального директора Агентства почты и телекоммуникаций.

Генеральным директором компании «Халкаро-Телеком» избрана М. А. Халмуратова, работавшая до этого директором Центра международных расчетов и договоров.

«Узбекистон почтаси» — Государственно-акционерная компания. В нее вошли 17 государственных предприятий почтовой связи, в числе которых Каракалпакское и все областные ППП, предприятие «Тошкент почтаси», Международное почтамт, другие предприятия и исполнительный аппарат концерна «Узбекистон почтаси». Из 60-ти избранных на конференции приняли участие 58 делегатов.

Участники конференции рассмотрели и приняли пакет учредительных документов по созданию государственной акционерной компании «Узбекистон почтаси». В принятый Устав ГАК определены основные ее задачи: удовлетворение спроса рынка услуг почтовой связи, расширение их номенклатуры и обеспечение конкурентоспособности; модернизация и техническое перевооружение средств и сетей, внедрение мировых достижений в области почтовой связи; развитие рыночных реформ, интеграция в мировую сеть почтовой связи; обеспечение почтовой безопасности, проведение маркетинговых исследований и мониторинга рынков услуг почтовой связи и ценных бу-

маг, привлечение инвестиций, в т. ч. иностранных, на развитие и модернизацию технологической почтовой связи.

Предприятия, вошедшие в состав ГАК, сохраняют свою самостоятельность и статус юридического лица. В Уставе определены функции ГАК, вопросы взаимодействия с другими компаниями, сформирован уставной фонд, порядок выпуска акций, распределение доходов (прибыли), дивидендов, возмещение убытков. Предусмотрено создание фондов компании, в т. ч. резервного.

На конференции избран Наблюдательный совет из 9 человек председателем Наблюдательного совета избран М. М. Махмудов, заместитель генерального директора Агентства почты и телекоммуникаций. Генеральным директором ГАК «Узбекистон почтаси» избран Р. Э. Зикиров, работавший до этого председателем концерна «Узбекистон почтаси».

В работе учредительных конференций приняли участие и выступили с речами заместители премьер-министра Республики Узбекистан В. А. Чжен, К. Р. Рахимов, генеральный директор Узбекского агентства почты и телекоммуникаций А. Х. Джурбаев.

В их выступлениях отмечено большое значение принятых документов о реорганизации и совершенствовании управления сферой информационных систем в Узбекистане. Принятые меры практически направлены на совершенствование управления почтовой связью, информационными системами и телекоммуникациями, на развитие рыночных отношений, углубление разгосударствления и направление в эту сферу иностранных инвестиций. Масштабная работа по развитию и модернизации отрасли стала возможной только после обретения Узбекистаном политической независимости. За истекшие шесть лет в республиканской отрасли «связь» проведены большая работа, структурные преобразования, техническое перевооружение. Теперь предприятия новые и весьма серьезные меры, они преследуют цель перевести структуры управления на горизонтальные уровни.

У созданного на базе Минсвязи Агентства — техническая политика, лицензия, международные контакты, нормативные документы, научно-исследовательская работа. Создаваемые акционерные компании должны научиться эффективно управлять собственностью, хозяйствующие субъекты должны использовать шире возможности в практической производственной деятельности. В электросвязи создано две компании — в основном по видам собственности: местная связь — один вид, международная и международная — другой. Во взаимодействии они призваны работать более эффективно, в последующем границы между ними будут стираться.

Очень важное значение имеет созданный Фонд — государственной поддержки развития почты и телекоммуникаций, на основе которого будет проводиться финансирование приоритетных и социально-значимых проектов, научно-исследовательских работ, подготовки и переподготовки специалистов.

Комплекс принятых мер нацеливает все коллективы предприятий связи на развитие рыночных отношений, повышение уровня обслуживания населения и народного хозяйства.

А. КУДИНОВ

